

1 ДЕКАБРЬ

Йўл Ҳозирланг

Масиҳнинг Келиши | 1 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Исроил халқидан бўлган кўпларни у Эгаси Худога қайтаради. У Илёс пайғамбарнинг руҳи ва қудратига тўлиб, Раббимиз Масиҳдан олдин келади. Раббимизга тайёр бир халқни тақдим қилиш учун оталарнинг юракларини фарзандларига мойил қилади, итоатсизларнинг фикрини солиҳлар донолиги томон буради. (Луқо 1:16-17)

Яхё Чўмдирувчи Исроил халқи учун нима қилган бўлса, Мавлуд байрами арафаси ҳам биз учун худди шу ишни қилади. Мавлудга тайёргарликсиз қолиб кетманг. Мен *руҳий* тайёргарликни назарда тутяпман. Агар тайёргарлик кўрган бўлсангиз, унинг қувончи ва таъсири жуда катта бўлади!

Шундай қилиб, *тайёргарлик кўриш* учун ...

Аввало, *Нажоткорга* муҳтож эканлигимиз ҳақида мулоҳаза қилинг. Мавлуд – қувончга айланишидан олдин айблов хулосаси рамзидир. “Бугун Довуд шаҳрида сизлар учун *Нажоткор* тўғилди. У Масиҳдир, бизнинг Раббимиздир” (Луқо 2:11). Агар сиз *Нажоткорга* муҳтож бўлмасангиз, Мавлудга ҳам муҳтож эмассиз. *Нажоткорга* ниҳоятда муҳтож эканлигимизни ҳис қилмагунимизча, Мавлуд биз кутган натижани бермайди. Масиҳнинг келиши ҳақидаги ушбу қисқа мулоҳазалар қалбингизда *Нажоткорга* муҳтожлик туйғусини уйғотсин.

Иккинчидан, ўзингизни диққат билан текширинг. Рўза тутиш Фисиҳ учун қандай аҳамиятли бўлса, Мавлудга тайёрланиш - байрам арафаси Мавлуд учун шундай аҳамиятли. “Текшириб кўр мени, эй Худо, юрагимни бил, синаб кўр мени, ташвишларимни бил. Билгин-чи, менинг бирон қабихлигим бормикан? Мени абадий йўлдан етаклаб боргин” (Забур 138:23-24). Уйини тозалаш орқали ҳар бир юрак *У учун жой ҳозирласин*.

Учинчидан, ўйингизда, айниқса, болалар учун Худога қаратилган кутиш ва хурсандчилик муҳитини яратинг. Агар сиз Масиҳ билан хурсанд бўлсангиз, болаларингиз ҳам хурсанд бўлади. Агар Мавлуд байрамига фақатгина моддий нарсалар билан безак берсангиз, фарзандларингиз Худога ташна бўлишни қандай ўрганишади? Фарзандларингиз Шоҳнинг келиши мўъжизасини кўра олишлари учун тасаввурингизни ишга солинг.

Тўртинчидан, Муқаддас Битикларни чуқурроқ ўрганинг ва аҳамиятли парчаларни ёд олинг! “Менинг сўзим оловдай куйдиради. Қояни ёрадиган болғадай зарба беради.” Эгамизнинг каломи шудир” (Еремиё 23:29)! Масиҳнинг келиши арафасида ушбу гулхан атрофида тўпланинг. Унинг тафти илиқ. Ундан иноят ранглари нур сочади. Минглаб жароҳатларга малҳам бўлади. У зулмат учун нурдир.

“Эгамизга Йўл Ҳозирланг!” номли мақоласидан олинган

2 ДЕКАБРЬ

Марямнинг Улуғвор Худоси

Масиҳнинг Келиши | 2 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Бутун вужудим билан Эгамни улуғлайман, Нажоткорим Худодан кўнглим шод-хуррам. Ахир, У мендай арзимас бандасига назар солди. Жамики насллар энди мени бахтли деб айтади. Зотан, қудратли Худо мен учун буюк ишлар қилди, Муқаддасдир Унинг номи. Ундан қўрққанларга У насллар оша марҳамат қилади. У Ўзининг қудратини кўрсатди, юраги такаббурларни тўзғитиб ташлади. Хукмдорларни тахтларидан туширди, фақирларни эса юксалтирди. Очларни неъматлар ила тўйдирди, бойларни эса қуруқ жўнатди. Ота-боболаримизга берган ваъдаси бўйича, Иброҳимга, унинг наслига шафқат қилишни то абад ёдида тутди. Қули Исроилга ёрдам берди. (Луқо 1:46-55)

Марям Худонинг ажойиб режасини кўра олди: У бутун инсоният тарихини ўзгартирмоқчи; барча замонлар учун энг муҳим бўлган ўттиз йиллик давр бошланиш арафасида.

Хўш, Худо қаерда? Худо бири қари ва бепушт (Элисабет), бошқаси эса ёш ва бокира (Марям) бўлган номаълум ва ҳокисор икки аёл билан банд. Марям камбағалларни севадиган Худонинг ушбу ваҳийсидан шунчалик таъсирландики, кейинчалик “Мадҳия” (Магнификат) номи билан машҳур бўлган қўшиқ куйлади.

Луқо учун Марям ва Элисабет ажойиб қаҳрамон бўлган. Луқога бу аёлларнинг имони ёқарди. Афтидан, уни энг таъсирлантирган ва бу ҳақда унинг Хушхабарини ўқийдиган ҳимматли инсон Теофилга маълум қилишни истаган нарса – улуғвор Эгасига ўзини бағшлайдиган Элисабет билан Марямнинг камтарлиги ва ҳокисорлиги эди.

Элисабет шундай дейди (Луқо 1:43): “Мен ким бўлибманки, Раббим Масиҳнинг онаси менинг ҳузуримга келибди!” Марям эса бундай дейди (Луқо 1:48): “Ахир, У мендай арзимас бандасига назар солди.”

Бутун қалби билан Эгамизни чин юракдан улуғлайдиган инсонлар Элисабет ва Марямга ўхшаган инсонлардир, улар ўзларининг арзимас банда эканини тан олган ва улуғвор Худонинг кўнгилянчилигидан ҳайратга тушганлар.

“Мадҳия Ҳақида Мулоҳаза” номли мақоласидан олинган

3 ДЕКАБРЬ

Узоқ Кутилган Ташриф

Масихнинг Келиши | 3 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Исроил халқининг Худоси – Эгамизга ҳамду санолар бўлсин! У бизга ёрдамга келди, Ўз халқини асоратдан ҳалос қилди. Азалдан бизга ваъда бергандай, муқаддас пайғамбарлари орқали айтгандай, қули Довуд хонадонидан бизга қўдратли Нажоткорни юборди. Токи У бизни душманларимиздан қутқарсин, биздан нафратланадиганларнинг ҳаммасидан ҳалос этсин. (Луқо 1:68-71)

Луқо 1 – бобда Элисабетнинг эри Закариё айтган ушбу сўзлардан иккита ажойиб нарсага эътибор беринг.

Биринчидан, тўққиз ой аввал Закариё хотини фарзанд кўриши мумкинлигига ишона олмасди. Энди эса, Муқаддас Руҳга тўлган ҳолда, Худонинг Масих орқали дунёни қутқариш ишларига шунчалик ишондики, бунга ўтган замон шаклида ифода этди: “У бизга ёрдамга келди, Ўз халқини асоратдан ҳалос қилди.” Имон нуқтаи назаридан, Худо ваъда қилган ҳатти-ҳаракат қанчалик яхши бўлса, уни амалга ошириши ҳам шундай яхши бўлди. Закариё гап сўзлари билан ҳам Худога ишонишни ўрганди, шунинг учун ажойиб ишончга эга бўлди: Худо “ёрдамга келди ва ҳалос қилди!” (Луқо 1:68).

Иккинчидан, Исо Масихнинг келиши – Худонинг бу оламга ташриф буюриши, демакдир. *Исроилнинг Худоси* келди ва қутқарди. Асрлар давомида Яҳудийлар Худо уларни тарк этди, деган фикрга келиб қолгандилар: башорат руҳи сўнганди; Исроил халқи Рим мустамлакасига айланганди. Ва Исроилдаги ҳамма художўйлар Худонинг келишини кутаётган эдилар. Луқо яна бир мўйсафид ҳақида, солиҳ ва тақводор Шимўн ҳақида шундай дейди: у “Исроилнинг нажот топишини интизор бўлиб кутар эди” (Луқо 2:25). Худди шундай, ибодатга берилган Ханна ҳам “Қуддуснинг озод қилинишини интизорлик билан кутаётган” эди (Луқо 2:38). Бу кунлар буюк кутиш даври эди. Энди эса, узоқ кутилган Худонинг ташрифи амалга ошадиган вақт келганди, У ҳеч ким кутмаган йўл билан келиши керак эди.

“Исо - Нажот Шохи” номли мақоласидан олинган

Худонинг Кичик Халқи Учун

Масиҳнинг Келиши | 4 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Ўша кунларда Қайсар Август: “Бутун Рим империясидаги аҳоли рўйхатга олинсин”, деган фармон чиқарди. Бу илк аҳоли рўйхати бўлиб, Сурияда Квиринюс ҳоким бўлган пайтда ўтказилди. Рўйхатдан ўтиш учун ҳамма ўз шаҳрига борди. Юсуф ҳам Жалиладаги Носира шаҳридан Яҳудиянинг Байтлаҳм шаҳрига йўл олди. Бу шаҳар Довуд шаҳри эди. Юсуф Давуд хонадонидан, унинг наслдан эди. Юсуф рўйхатдан ўтгани Марямни ҳам ўзи билан олиб кетди. Марям Юсуфга унаштирилган бўлиб, фарзанд кутаётган эди. (Луқо 2:1-5)

Масиҳнинг Байтлаҳмда туғилишини Худо олдиндан белгилаб қўйганини (Михо 5:2 да башорат қилинганидек), вақти-соати келганда, Худо буюрганидек, Масиҳнинг онаси ва қонуний отаси Байтлаҳмда эмас, Носирада яшагани, ваъдасини бажариш ва илк Мавлуд кунда ҳеч ким танимайдиган, оддий икки инсонни Байтлаҳмга олиб келиш учун бутун Рим империясидаги аҳолини ўз шаҳрида рўйхатга олиш фикрини Худо Қайсар Августнинг кўнглига солгани қанчалик ҳайратланарли экани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Икки инсон етмиш миль (100 километр) йўл босиши учун бутун дунёга фармон берилди!

Барча янгиликлар йирик сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаракатлар, дунё миқёсида катта куч-қудратга ва обрў-эътиборга эга инсонлар ҳақида сўз юритиладиган етти миллиард аҳоли яшайдиган бу оламда сиз ҳам худди мендек ўзингизни арзимас ва аҳамиятсиз эканингизни ҳис қилганмисиз?

Агар шундай ҳис қилган бўлсангиз, бу ҳислар кўнглингизни туширмасин, ўзингизни бахтиқаро деб ўйламанг. Зеро, Муқаддас Битикларда айтилишича, барча улкан сиёсий кучлар ва барча улкан саноат мажмуалари ҳам ўзлари билмаган ҳолда Худонинг халқи учун – оддий Марям ва оддий Юсуфни Носирадан Байтлаҳмга етказиш учун Худо томонидан бошқарилади. Худо Ўз ваъдасини бажариш ва Ўз фарзандларини марҳаматлаш учун буюк империяни бошқаради.

Ўзингизнинг кичик оламингизда қийинчиликларни бошдан кечириётганингиз учун Эгамизнинг қўли калта, деб ўйламанг. Худо бизнинг фаровон ҳаёт кечиришимиз ёки обрў-эътиборли бўлишимиз учун эмас, балки муқаддас бўлишимиз учун жон куйдиради. Мана шу мақсади йўлида бутун дунёни бошқаради. Ҳикматлар 21:1 – оятда айтилганидек: “Шоҳнинг юраги Эгамизнинг қўлида, уни ирмоқдай хоҳлаган томонга буради.” У ҳар доим нажот берувчи, покловчи ва абадий мақсадини Ўз халқи орасида амалга ошириш учун уни ирмоқдан хоҳлаган томонга буради.

У оддий инсонлар учун буюк Худодир ва қувонишимиз учун ажойиб сабаб бор, чунки биз, яъни Худонинг фарзандлари Худонинг Ўғли Исо Масиҳга ўхшаб боришимиз ва Унинг абадий улўғворлигига киришимиз учун дунёнинг барча шоҳлари, президентлари, вазирлари, канцлерлари ва раҳбарлари ўзлари билмаган ҳолда Худонинг фармонларини бажаришади.

“Кичик Халқ учун Буюк Худо” номли мақоласидан олинган

5 ДЕКАБРЬ

Гўлготадан Бошқа Йўл Йўқ

Масиҳнинг Келиши | 5 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Улар ўша ерда бўлганларида Марямнинг ой-куни тўлди. У ўзининг тўнғич ўғлини туғди. Уни йўргаклаб, охурга ётқизиб қўйди, чунки меҳмонхонада уларга жой йўқ эди. (Луқо 2:6-7)

Агар Худо бутун оламни бошқарса, Марям ва Юсуфни Байтлаҳмга олиб келиш учун бутун империя аҳолисини рўйхатга олишга ундаган бўлса, У албатта, меҳмонхонада улар учун жой ҳозирлаб қўйган бўларди, деб ўйлашингиз мумкин.

Ҳа, У жой тайёрлаб қўя оларди. Бу иш Худо учун муаммо эмасди. Исо ҳам бой оилада дунёга келиши мумкин эди. У саҳрода тошни нонга айлантириши мумкин эди. Гетсемания боғида Ўз ҳузурига 10,000 та фариштани чақириши мумкин эди. Хочдан тушиб, Ўзини қутқариши мумкин эди. Гап Худо нима қилиши мумкинлигида эмас, балки У нимани хоҳлашида.

Худонинг иродаси шу эдики, Масиҳ бой бўла туриб, сиз учун камбағаллашди. Байтлаҳмдаги меҳмонхоналардаги “Бўш жой йўқ”, деган ёзув ҳам айнан сиз учун эди. “У бой бўлса ҳам, сизларни бой қилиш учун камбағал бўлди” (2 Коринфликлар 8:9).

Худо Ўз фарзандлари учун ҳамма нарсаларни, ҳатто меҳмонхона ҳамда турар жойларни қисқа муддатга ижарага бериш билан шуғулланадиган бошқа ҳар қандай идоралар имкониятларини ҳам бошқаради. Гўлготага олиб борувчи йўл Байтлаҳмдаги “Бўш жой йўқ” деган ёзувдан бошланиб, Қуддусда тупуриш ва хочни масҳара қилиш билан тугайди.

Унинг қўйидаги сўзларини унутмаслигимиз лозим: “Кимда-ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ҳар куни ўз хочини кўтариб, ортимдан юрсин” (Луқо 9:23).

Гўлготага олиб борадиган йўлда биз Унга ҳамроҳлик қиламиз ва Унинг сўзларини эшитамиз: “Қул ўз хўжайинидан устун эмас деган сўзимни эсланглар. Агар Мени қувғин қилган бўлсалар, сизларни ҳам қувғин қиладилар” (Юҳанно 15:20).

Ҳис-туйғуга тўлиб, “Қаерга борсангиз ҳам, мен ортингиздан бораман”, деган одамга Исо шундай жавоб беради: “Тулкиларнинг уялари бор, қушларнинг инлари бор. Инсон Ўғлининг эса бош қўядиган жойи йўқ” (Луқо 9:57-58).

Ҳа, Исо туғилган вақтда Худо хона тайёрлаб қўя оларди. Бироқ бу Гўлготага олиб борадиган йўлдан четга чиқиб кетиш бўларди.

“Кичик Халқ учун Буюк Худо” номли мақоласидан олинган

6 ДЕКАБРЬ

Ундан Марҳамат Топганларга Тинчлик Бўлсин

Масиҳнинг Келиши | 6 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

“Мана, сизларга Унинг белгиси: охурда ётган, йўргакланган Чақалоқни топасизлар.” Бирдан фариштанинг ёнида само лашкари бўлмиш сон-саноқсиз фаришталар пайдо бўлди. Улар Худого ҳамду сано айтишарди: “Фалак тоқидаги Худого шарафлар бўлсин, Худодан марҳамат топган ердаги бандаларга тинчлик келсин!” (Луқо 2:12-14)

Тинчлик ким учун? Фаришта айтган ҳамду санода жиддий оҳанг мавжуд. Худо рози бўлган инсонлар орасидаги тинчлик. Худони мамнун қилган инсонлар орасидаги тинчлик. Бироқ ишонмасдан туриб, Худони мамнун қилиш имконсиз (Ибронийлар 11:6). Шунинг учун Мавлуд байрами ҳаммага ҳам тинчлик келтирмайди.

“Хукм шундай далилга асосланган”, дейди Исо, “дунёга нур келди, аммо одамлар нурдан кўра, зулматни яхши кўрдилар, чунки уларнинг қилмишлари ёвуз эди” (Юҳанно 3:19). Ёки бўлмаса, мўйсафид Шимўн чақалоқ Исони шундай деган: “Мана шу гўдак Исроил халқи орасида кўп одамларнинг қулашига ва юксалишига сабабчи бўлади. У Худодан аломат бўлади ... Натижада, кўпларнинг сирли фикрлари ошкор бўлади” (Луқо 2:34-35). Эҳ, зерикарли ва аёзли Мавлуд кунига қараб, қаршилиқ қилиш белгисидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайдиганлар қанча.

“У Ўз юртига келди, лекин Ўз халқи Уни қабул қилмади. Аммо Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига, Унга *имон келтирганларга*, У Худонинг фарзанди бўлиш ҳуқуқини берди” (Юҳанно 1:11-12). Исо фақат шогирдларигагина шундай деди: “Мен сизларга тинчликни қолдиряпман. Ўз тинчлигимни сизларга беряпман. Мен бераётган тинчлик дунё берадиган тинчликка ўхшамайди. Юрагингиз сиқилмасин, қўрқманглар” (Юҳанно 14:27).

Худонинг тинчлигидан баҳраманд бўладиган, барча ақл-идроққа эга бўлган инсонлар – ибодат ва илтижога бўлиб, ҳар бир муҳтожлигини Худонинг олдида миннатдорчилик билан изҳор қиладиган инсонлардир (Филиппиликлар 4:6-7).

Худонинг тинчлик хазинасини очадиган калит – Худонинг ваъдаларига ишонишдир. Шунинг учун Павлус шундай ибодат қилган: *“Имон йўлидан юрар экансиз, умид манбаи бўлган Худо қалбингизни севинч ва тинчликка тўлдирсин”* (Римликлар 15:13). Биз Худонинг ваъдаларига ишонганимизда ва севинч, тинчлик ҳамда севига тўлганимизда Худо улуғланади.

Фалак тоқидаги Худога шарафлар бўлсин, Худодан марҳамат топган ердаги бандаларга тинчлик келсин! Барча халқлар, тиллар, қабилалар ва элатлар орасида Худога ишонганларнинг ҳаммасига тинчлик келсин!

“Кичик Халқ учун Буюк Худо” номли мақоласидан олинган

7 ДЕКАБРЬ

Мунажжимлар учун Масих

Масихнинг Келиши | 7 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Исо шоҳ Ҳироднинг ҳукмронлиги даврида, Яҳудиядаги Байтлаҳм шаҳрида туғилган эди. Орадан кўп ўтмай шарқдан Қуддусга мунажжимлар келишди. Улар: - Яҳудийларнинг янги туғилган шоҳи қаерда? - деб сўрадилар. (Матто 2:1-2)

Луқодан фарқли равишда, Матто бизга Исони зиёрат қилиш учун оғилхонага келган чўпонлар ҳақида гапирмайди. У Исога таъзим қилиш учун шарқдан келган мусофирларга, яъни Яҳудий бўлмаган инсонлар – ғайрияҳудийларга эътибор қаратади.

Шундай қилиб, Матто ўз Хушхабарининг бошида ва охирида Исони фақат Яҳудийлар учун эмас, балки барча халқлар учун Нажоткор сифатида тасвирлайди.

Исога биринчилардан бўлиб таъзим қилган сеҳргарлар, мунажжимлар ёки донишмандлар Исроил халқидан эмас, балки шарқдан келган, эҳтимол Бобилдан келган одамлар бўлишган. Улар ғайрияҳудийлар эди. Эски Аҳднинг бир қатор қонунларига кўра, улар нопок одамлар эди.

Матто Хушхабарининг охирида Исонинг қуйидаги сўзлари берилган: “Еру осмондаги бутун ҳокимият Менга берилган. Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар” (Матто 28:18-19).

Бу эса биз, ғайрияҳудийларга нафақат Масих орқали шодликка эришишимиз учун йўл очди, балки Унинг Масих эканига яна бир далил қўшди. Чунки такрор-такрор айтилган башоратларнинг биттаси шуки, халқлар ва подшоҳлар Уни дунёнинг Ҳукмдори эканини тан олишади. Мисол учун, Ишаё 60:3 - оятда шундай ёзилган: “Халқлар Сенинг нурингга келади, тонгги ёруғлигингга шоҳлар келади.”

Шундай қилиб, Матто Исонинг Масих эканлигига далил қўшди ва Унинг нафақат Исроил халқи учун, балки барча халқлар учун Масих, Шоҳ ҳамда Ваъдаларни Адо Этувчи эканини кўрсатди.

“Биз Унга Таъзим Қилгани Келдик” номли мақоласидан олинган

8 ДЕКАБРЬ

Байтлаҳмнинг Ғайритабиий Юлдузи

Масиҳнинг Келиши | 8 – кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Яҳудийларнинг янги туғилган шоҳи қаерда? – деб сўрадилар. – Биз Унинг юлдузи чиққанини кўрдик. Унга таъзим қилгани келдик. (Матто 2:2)

Муқаддас Калом маълум воқеаларни қандай содир бўлгани ҳақидаги қизиқишларимизни қайта-қайта чалкаштириб юборади. Ушбу “юлдуз” мунажжимларни қандай қилиб шарқдан Қуддусга олиб келди?

Каломда юлдуз уларни Қуддусга бошлаб борди ёки уларнинг олдиларида борди, деб айтилмаган. Фақатгина мунажжимлар шарқда юлдуз кўргани (Матто 2:2) ва Қуддусга келгани ҳақида айтади. Матто 2:9 да айтилганидек, бу юлдуз Қуддусдан Байтлаҳмгача бўлган беш миль (8 километр) масофалик йўлда мунажжимларнинг олдида қандай борган? Қандай қилиб бу юлдуз “Бола ётган жой тепасига келиб тўхтади”?

Жавоб қуйидагича: Биз бунга билмаймиз. Бунга сайёралар, кометалар, янги юлдузлар ёки ғаройиб нурларнинг боғланиши нуқтаи назаридан тушунтиришга кўп уринишлар мавжуд. Биз шунчаки билмаймиз. Сизларга маслаҳатим шуки, руҳий аҳамияти жуда кам бўлган тахминий назарияларга ишониб қолманг.

Сизларни огоҳлантириш учун умумлаштиришга уриниб кўраман: юлдуз қандай ҳаракат қилгани, Қизил Денгиз қандай иккига бўлингани, осмондан манна ёққани, Юнус наҳангнинг қорнида қандай тирик қолгани ёки ойнинг қонга беланиши каби ҳодисаларни ўйлаш билан банд бўлган одамларни мен, чегараланган ментелитетга эга одамлар деб атайман (бундай одамларни кўпроқ иккинчи даражали нарсалар қизиқтиради).

Бундай одамлар Худонинг муқаддаслиги, гуноҳнинг ёмонлиги, инсоннинг ожизлиги, Масиҳнинг ўлими, фақат имон орқали оқланиш, Руҳнинг поклаш ишлари, Масиҳнинг қайтиб келишининг улўворлиги ҳамда сўнгги ҳукм каби Хушхабарнинг энг аҳамиятли нарсаларига алоҳида эътибор билан қараганларини кўрмайсиз. Менимча, улар янги мақолалари ёки китоблари билан ҳар доим сизни чалғитишади, чунки улар қандайдир иккинчи даражали нарсалар билан шўғулланишдан роҳатланишади. Буюк, муҳим ҳақиқатлардан эса камроқ қувонишади.

Бироқ бу юлдуз борасида бир нарса аниқки, у ўзича қила олмайдиган ишни қилади, яъни мунажжимлар таъзим қилишлари учун уларни Худо Ўғлининг ҳузурига бошлаб боради.

Муқаддас Калом нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, юлдузнинг бундай ҳаракатга келиши ортида ягона Зот – Худонинг Ўзи турибди.

Шундай қилиб, биз учун сабоқ аниқ: Мусофирлар Масиҳга сажда қилишлари учун Худо уларни йўналтирди. Ва бундай қилиш учун У глобал, эҳтимол, ҳатто универсал таъсир ва қудрат орқали амалга оширмоқда.

Луқонинг кўрсатишича, оддий бокира қизни Байтлаҳмга олиб келиш ҳақидаги башоратни амалга ошириш мақсадида аҳолини рўйхатга олиш ишлари аниқ вақтда бажарилиши учун Худо бутун Рим империясига таъсир кўрсатди. Матто эса, Ўғилга сажда қилишлари учун бир нечта мусофирларни Байтлаҳмга олиб келиш мақсадида Худо юлдузларга қандай таъсир қилганини кўрсатади.

Бу Худонинг режаси. Кейин У Ўз режасини амалга оширди. У ҳозир ҳам шундай қилмоқда. Худонинг мақсади халқлар, аниқроғи барча халқлар (Матто 24:14) Ўғилга сажда қилишидир.

Сиз билан бир идорада ишлайдиган, бир синфда ўқийдиган, атрофингизда ва хонадонингизда яшайдиган ҳар бир инсон учун Худонинг иродаси мана шу. Юҳанно 4:23 – оятда айтилганидек, “Ота шу йўсинда Ўзига сажда қилувчиларни излайди.”

Матто Хушхабарининг бошида берилган “бориб кўр” намунаси ҳануз мавжуд. Бироқ Хушхабарнинг охирида “боринг ва айтинг” намунаси берилган. Мунажжимлар келишди ва кўришди. Биз эса бориб, айтишимиз керак.

Аммо Ўғилга сажда қилишлари учун барча халқларнинг тўпланишидаги Худонинг мақсади ва қудрати истисно қилинмайди. Барча халқларнинг самимий ва чин дилдан сажда қилиш орқали Масиҳни улўлаши – бу дунё ҳамон мавжуд эканининг сабабидир.

“Биз Унга Таъзим Қилгани Келдик” номли мақоласидан олинган

9 ДЕКАБРЬ

Исога Нисбатан Икки Хил Қаршилик

Масихнинг Келиши | 9 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Бу гапни эшитиб шоҳ Ҳирод ҳам, бутун Қуддус аҳолиси ҳам безовталаниб қолди. (Матто 2:3)

Исо Унга сажда қилишни истамаганларни ташвишга солди ва сажда қиладиганларга нисабатан қаршилик уйғотди. Эҳтимол, Маттонинг асосий фикри бу эмасдир, бироқ воқеалар ривожлангани сайин бу яққол намоён бўлади.

Бу ҳикояда икки тоифа одамлар Исога сажда қилишни истамайдилар.

Биринчи тоифадаги одамлар Исога умуман эътибор бермадилар. Уларнинг ҳаётида Исо аҳамиятсиз эди. Исо ҳаётининг бошида намоён бўлган бу гуруҳга мансуб одамлар уламолар ва бош руҳонийлар эканлиги айтилган. Матто 2:4 – оятда шундай ёзилган: “Ҳирод барча бош руҳонийларни ва Таврот тафсирчиларини тўплаб, улардан: – Масих қаерда туғилиши керак? – деб сўради.” Улар шоҳга буни айтишди ва шу билан бўлди: яъни улар ўзларининг кундалик юмушларига қайтишди. Содир бўлаётган воқеаларни ҳисобга олганда, дин пешволарининг жимлиги ва бефарқлиги жуда ҳайратланарли.

Матто 2:3 – оятда нима дейилганига эътибор беринг: “Бу гапни эшитиб шоҳ Ҳирод ҳам, бутун Қуддус аҳолиси ҳам безовталаниб қолди.” Бошқача айтганда, кимдир “Масих туғилди”, деган миш-миш тарқалди. Бош руҳонийларнинг жимлиги ҳайратланарли: нима учун улар мунажжимлар билан бирга боришмади? Чунки уларга фарқи йўқ эди. Улар Худонинг Ўғлини излаб топишга ва Унга сажда қилишга ҳаракат қилишмади.

Исога сажда қилишни истамаган иккинчи тоифа одамлар – Исодан қаттиқ қўрққан одамлар эди. Бу ҳикояда бунга Ҳиродни мисол қилиш мумкин. У жуда қўрқиб кетди. Хуллас, у ҳийла қилди, ёлғон гапирди ва фақат Исони ўлдириш учунгина оммавий қирғин содир этди.

Шундай қилиб, бугунги кунда ҳам Масихга ва Унга сажда қилувчиларга икки хил қаршилик бўлади: бефарқлик ва душманлик. Умид қиламанки, сиз бу тоифа одамлардан эмассиз.

Агар сиз имонли бўлсангиз, келаётган Мавлуд байрами Масихга сажда қилиш ва Унга эргашиш нимани англатишини, қанчалик муҳимлигини мулоҳаза қиладиган вақт бўлсин.

“Биз Унга Таъзим Қилгани Келдик” номли мақоласидан олинган

10 ДЕКАБРЬ

Олтин, Хушбўй Тутатқи ва Мирра

Масихнинг Келиши | 10 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Уларга олдин кўринган юлдуз яна пайдо бўлди, мунажжимлар роса хурсанд бўлдилар. Юлдуз уларга йўл кўрсатиб борди ва ниҳоят, Бола ётган жой тепасига келиб тўхтади. Мунажжимлар уйга кириб, Болани ва Унинг онаси Марямни кўрдилар. Тиз чўкиб, Болага таъзим қилдилар. Сўнг хазиналар солинган қутичаларини очиб, Унга олтин, хушбўй тутатқилар ва миррани тортиқ қилдилар. (Матто 2:10-11)

Худо инсоннинг қўлига қараб қолмаган, чунки У ҳеч нарсага муҳтож эмас (Ҳаворийлар 17:25). Мунажжимларнинг ҳадяси ёрдам тариқасида ёки эҳтиёжни қондириш учун берилмаган. Агар мусофир сайёҳлар шоҳона инъомлар билан келган бўлганида, бу нарса шоҳга нисбатан ҳурматсизлик бўлган бўларди.

Бу инъомлар пора сифатида берилмаган. Қонунлар 10:17 – оятда Худо пора олмайди, деб ёзилган. Хўш, унда бу инъомлар нима англатади? Улар қандай сажда қилишди?

Ўзига тўқ, ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ одамларга инъом бераётган инсон ўша инъомлар орқали совға қабул қилаётган инсоннинг қанчалик ажойиб эканини кўрсатишни истайди. Масихга инъом бериш қайсидир маънода рўза тутишга ўхшайди, яъни Масих сиз воз кечган нарсалардан ҳам кадрлироқ эканини кўрсатасиз.

Сиз Масихга мана шундай ҳадя берганингизда, бундай деган бўласиз: “Мен интилаётган қувонч (Матто 2:10 – оятга эътибор беринг! “Уларга олдин кўринган юлдуз яна пайдо бўлди, мунажжимлар роса хурсанд бўлдилар”) – мен интилаётган қувонч – Сиз билан нимадир алмашиш ёки қандайдир тўлов учун келишиш орқали бой бўлиш ўмиди эмас. Мен Сизнинг *нарсаларингиз* учун эмас, *Ўзингиз* учун келдим. Бу истагим кучаймоқда ва нарсалардан эмас, балки Сизнинг *Ўзингиздан* кўпроқ шодланиш ўмидида *нарсалар* бериш орқали буни кўрсатяпман. Сиз муҳтож бўлмаган, бироқ мени қувонтирадиган нарсаларни бериш орқали жиддий ва қатъий оҳангда “бу нарсалар эмас, балки Сиз менинг хазинамсиз”, демоқдаман.”

Менимча, олтин, хушбўй тутатқи ҳамда мирра ҳадя қилиш ёки Худо беришимиз мумкин деб ўйлаган ҳар қандай нарсалар орқали Худога сажда қилишнинг асл маъноси шу бўлса керак.

Худо бизнинг қалбимизда Масихга нисбатан ташналик уйғотсин ва биз чин юракдан шундай дея олайлик: “Раббим Исо, Сен – Масихсан, Исроилнинг Шоҳисан! Барча халқлар Сенинг ҳузурингга келиб, олдинда бош эгади. Сенга таъзим қилишлари учун Худо дунёни бошқаради. Шунинг учун,

қандай қаршиликларга учрамайин, ҳокимият ва куч-қудратни хурсандчилик билан Сенга бераман ва “бу нарсалар эмас, фақат Сен менинг қалб истакларимни қондира оласан”, дейиш учун инъомларимни олиб келаман.”

“Биз Унга Таъзим Қилгани Келдик” номли мақоласидан олинган

11 ДЕКАБРЬ

Исо Нима учун Келди

Масихнинг Келиши | 11 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Бу фарзандлар фоний бандалар бўлганлари учун, Исо ҳам, улар сингари, инсон бўлди. Зеро, У Ўз ўлими орқалигина ўлим келтирувчи иблиснинг қудратини йўқ қила олди ва умр бўйи ўлим қўрқувига қул бўлган одамзодни озод қилишга муваффақ бўлди. (Ибронийлар 2:14-15)

Масихнинг келиши ҳақида ёзилган парчалар орасида менга ёқадигани мана шу парча, деб ўйлайман, чунки Исонинг ердаги ҳаётининг боши ва охири – Исонинг инсон қиёфасига кириши ва хочга михланиши орасидаги боғлиқликни яққол ифодалайдиган бошқа парчани билмайман. Мана шу икки оят Исо ер юзига нима учун келганини, тўғрироғи, нима учун ўлганини яққол кўрсатади. Имонсиз дўстларингиз ёки оила аъзоларингизга Мавлуд байрами ҳақидаги фикрингизни секин-аста кўрсатишингиз учун мана шу оятлардан фойдалансангиз яхши бўларди. Биринчи мартасида шундай айтишингиз мумкин:

“Бу фарзандлар фоний бандалар бўлганлари учун ...”

“Фарзандлар” сўзи аввалги оятлардан олинган бўлиб, Масихнинг, яъни Қутқарувчининг руҳий авлодларини билдиради (Ишаё 8:18; 53:10). Улар яна “Худонинг фарзандлари” ҳамдир (Юҳанно 1:12). Бошқача айтганда, Масихни ер юзига юборганида, Худо Ўз “фарзандларига” нажот беришни назарда тутган.

Тўғри, “Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини (Исони) берди” (Юҳанно 3:16). Бироқ Худо айниқса, “Худонинг тарқоқ бўлган ҳамма фарзандларини” тўплаётгани ҳам ҳақиқат (Юҳанно 11:52). Худонинг режаси Масихни бу оламга юбориш ва Ўз “фарзандларини” нажотга эриштириш эди (1 Тимўтий 4:10 га қаранг). Масихни қабул қилиш орқали сиз ҳам фарзандликка қабул қилинишингиз мумкин (Юҳанно 1:12).

“... Исо ҳам, улар сингари, инсон бўлди ...”

Бу эса Исо инсон қиёфасини олишидан аввал ҳам мавжуд бўлганини билдиради. У Рух эди. У абадий Калом эди. У Худо билан бирган эди ва Худо эди (Юҳанно 1:1; Колосаликлар 2:9). Бироқ У тана ва қондан иборат инсон бўлди ва Ўз илоҳийлигини инсонийлик билан қоплади. У тўла-тўқис инсон бўлди ва тўла-тўқис Худолигича қолди. Кўп жиҳатдан бу буюк синоатдир. Аммо у имонимизнинг асоси бўлиб, Калом бизга шунини ўргатади.

“...У Ўз ўлими орқалигина ...”

У инсон қиёфасини олишининг сабаби – ўлиш эди. Худо пок ва муқаддас бўлгани сабабли гуноҳкорлар учун ўлиши мумкин эмасди. Лекин инсон сифатида ўлиши мумкин эди. Унинг мақсади ўлиш эди. Шунинг учун У инсон бўлиб туғилиши лозим эди. У ўлиш учун туғилганди. Буюк

Жума – Мавлуд байрамининг мақсади. Мавлуд байрами ҳақида бугунги кунда кўплаб инсонлар эшитиши лозим бўлган нарса мана шу.

“... ўлим келтирувчи иблиснинг қудратини йўқ қила олди ...”

Ўлим орқали Масих иблиснинг қудратини йўқ қилди. Қандай? Барча гуноҳларни Ўзига олиш орқали. Бу шуни англатадики, бизни Худонинг олдида айблаш учун энди шайтоннинг ҳеч қандай асоси йўқ. “Худонинг танлаганларини ким айблаш оларди?! Худонинг Ўзи уларни оқлайди-ку!” (Римликлар 8:33). Нима асосида Худо бизни оқлайди? Исонинг қони орқали (Римликлар 5:9).

Шайтоннинг бизга қарши энг катта қуроли – бизнинг гуноҳларимиздир. Агар Исонинг ўлими гуноҳларимизни ювган бўлса, иблиснинг энг катта қуроли, яъни ўлим келтирувчи ягона қуроли унинг қўлидан тортиб олинган. У энди бизга ўлим жазосини талаб қила олмайди, чунки Ҳакамнинг Ўзи бизни Ўз Ўғлининг ўлими орқали оқлади!

“... ва умр бўйи ўлим қўрқувига қул бўлган одамзодни озод қилишга муваффақ бўлди...”

Шундай қилиб, биз ўлим қўрқувидан озодмиз. Худонинг Ўзи бизни оқлаган. Шайтон бу фармонни бекор қила олмайди. Худо бизнинг *мутлақ* хавфсизлигимиз ҳаётимизга *дарҳол* таъсир кўрсатишини истайди. У яна бахтли якун бугунги кундаги қуллик ва қўрқувни бартараф қилишини хоҳлайди.

Агар биз сўнги, энг катта душманамиз бўлган ўлимдан қўрқишимизга ҳожат қолмаган бўлса, демак, ҳеч нарсадан қўрқишимиз керак эмас. Биз озод бўлишимиз мумкин. Хурсанд бўлиш эркин бўлишимиз, бошқа нарсалардан озод бўлишимиз мумкин.

Мавлуд байрами учун Худо бизга берган нақадар ажойиб совға бу! Ва албатта, дунё учун бизнинг ҳам ҳадыямиз!

“Озодлик учун Ўлиш Мақсадида Тўғилган” номли мақоласидан олинган

Соғларни Алмаштириш

Масиҳнинг Келиши | 12 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Айтган гапларимизнинг маъзи қуйидагича: бизнинг шундай Олий руҳонийимиз борки, У самода, Улуғвор Худо тахтининг ўнг томонида ўтирибди. У самодаги ҳақиқий Чодирнинг Энг муқаддас хонасида хизмат қиляпти. Бу Чодирни инсон эмас, балки Эгамизнинг Ўзи қурган. (Ибронийлар 8:1-2)

Ибронийларга ёзилган мактубнинг моҳияти шундан иборатки, Худонинг Ўғли Исо Масиҳ нафақат ерга хос энг яхши ва сўнги инсоний руҳоний сифатида хизмат қилиш учун дунёга келган, балки бу тизимни адо этиш ва ниҳоясига етказиш ҳамда бизнинг сўнги Қурбонлигимиз сифатида аввал Гўлготада кейин эса охириги Руҳонийимиз сифатида самода хизмат қилиш орқали бутун диққатимизни Ўзига қаратиш учун келган.

Эски Аҳд давридаги чодир, руҳонийлар ва қурбонликлар асл Чодир, Руҳоний ва Қурбонликнинг сояси эди холос. Мана энди асл Чодир, Руҳоний ва Қурбонлик ерга келди, соғлар эса йўқ бўлди.

Мана, Масиҳнинг келиш ҳақида болалар учун, қачонлардир бола бўлган ва болалигини эслайдиган катталар учун мўлжалланган манзара. Айтайлик, озиқ-оқват дўконида онангизни йўқотиб қўйдингиз. Қўрқувдан саросимага туша бошладингиз ва қайси томонган юришни билмаяпсиз. Йўлакнинг охирига югуриб бордингиз, энди йиғламоқчи бўлиб турганингизда, йўлакнинг охирида онангизнинг қиёфасига ўхшаш соғани кўриб қолдингиз. Бу нарса сизда умид уйғотади. Қай бири яхши? Соғани кўриш умидими ёки бурчақдан чиқиб келаётган онангизни кўришми?

Исо бизнинг Олий руҳонийимиз бўлганида худди шундай бўлади. Мавлуд байрамининг маъноси шу. Мавлуд байрами – соғларнинг асли билан ўрин алмашишидир: йўлакнинг охиридаги бурчақдан Она чиқиб келади ва болакай енгил тортиб, хурсанд бўлади.

“Бизнинг Олий Руҳонийимиз Худонинг Ўғли Бўлиб, У То Абад Мукамалдир” номли мақоласидан олинган

Сўнгни Ҳақиқат Шу Ерда

Масиҳнинг Келиши | 13 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Айтган гапларимизнинг маъзи қуйидагича: бизнинг шундай Олий руҳонийимиз борки, У самода, Улуғвор Худо тахтининг ўнг томонида ўтирибди. У самодаги ҳақиқий Чодирнинг Энг муқаддас хонасида хизмат қиляпти. Бу Чодирни инсон эмас, балки Эгамизнинг Ўзи қурган... Улар ер юзидаги Муқаддас чодирда хизмат қиладилар. Бу Чодир бор-ўғи самодаги ҳақиқий Чодирнинг нусхаси ва соясидир. Негаки, Худо Мусога Чодир қуришни буюрганда, унга шундай деганди: “Эҳтиёт бўл, ҳамма нарсани Мен сенга тоғда кўрсатган намунага мувофиқ яса.” (Ибронийлар 8:1-2, 5)

Буни аввал ҳам кўрганмиз. Лекин бундан ҳам кўпроғи бор. Мавлуд – сояларни ҳақиқийси билан алмаштиришдир.

Ибронийлар 8:1-2 – оятлар ўзига хос қисқача хулосадир. Гап шундаки, биз билан Худонинг ўртасида турадиган, бизни Худога олиб борадиган ва биз учун Худога илтижо қиладиган руҳоний – Эски Аҳд давридаги каби оддий, заиф, гуноҳкор ва ўткинчи руҳоний эмас. У Худонинг Ўғли бўлиб, қудратли, бегуноҳ ҳамда абадий ҳаётга эга.

Қолаверса, эскирганида кўя ейдиган, сувда ивиб кетадиган, ёниб кетадиган, йиртиладиган ва босқинчилар ўғирлаб кетадиган ўткинчи, жойи ва ўлчами чекланган чодирда хизмат қилмаяпти. Йўқ, Ибронийлар 8:1-2 – оятларда айтилишича, Масиҳ “инсон қўли билан эмас, балки Эгамизнинг Ўзи қурган Чодирда” хизмат қиляпти. Бу Чодир соя эмас. Бу Чодир самодаги ҳақиқий Чодирдир. Нусхасини яшаши учун Синай тоғида Мусога кўрсатилган соянинг ҳақиқийси мана шу Чодирдир.

Ибронийлар 8:1 – оятга кўра, ҳақиқий Чодирнинг Ўз соясидан афзал томони шуки, бизнинг Олий руҳонийимиз самода Қодир Худонинг ўнг томонида ўтирибди. Эски Аҳд давридаги руҳонийларнинг биронтаси ҳақида бундай айтолмаймиз.

Исо Ота Худо билан бевосита муносабатда. У Худонинг ёнида шарафли ўринга эга. Худо Уни то абад севади ва ҳурмат қилади. У ҳар доим Худо билан бирга. Бу пардалар, идишлар, столлар, шамлар, тўнлар, ридолар, қўйлар, эчкилар ва каптарлар каби соя эмас. Бу сўнги ва якуний ҳақиқат: Худо ва Унинг Ўғли бизнинг абадий нажотимиз учун севги ва муқаддасликда ўзаро алоқада.

Энг катта ҳақиқат шуки, илоҳий Шахслар ўзаро алоқада бўлиб, Ўзларининг улўғворлиги, муқаддаслиги, севгиси, адолати, меҳр-шафқати ва ҳақиқати нажотга эришган инсонларда намоён бўлиши учун биргаликда ҳаракат қилишади.

“Бизнинг Олий Руҳонийимиз Худонинг Ўғли бўлиб, У То Абад Мукамалдир” номли мақоласидан олинган

Ўз Халқи учун бун Ҳақиқатга Айлантиради

Масиҳнинг Келиши | 14 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Аmmo Исога берилган руҳонийлик хизмати бошқа руҳонийларникига қараганда буюқдир. Чунки Унинг воситасида тузилган янги аҳд аввалги аҳддан улуғроқ ва аълороқ ваъдаларга асосланган. (Ибронийлар 8:6)

Ибронийлар 8:6 – оятга кўра, Масиҳ – янги аҳднинг Воситачиси. Бу нимани англатади? Бунинг маъноси шуки, Унинг қони – аҳд қони бўлиб (Луқо 22:20; Ибронийлар 13:20), бу аҳд Унинг қони эвазига кучга кирди ва Худонинг биз учун берган ваъдаларини амалга ошишини таъминлади.

Бу шуни англатадики, янги аҳд ваъдаларига биноан, Масиҳнинг Руҳи орқали Худо бизнинг ички дунёмизни ўзгартиради.

Қолаверса, Худо биздаги бу ўзгаришларни имон орқали, яъни Масиҳ қиёфасидаги Худо биз учун ҳамма нарса эканига ишонишимиз орқали амалга оширшини билдиради.

Янги Аҳд Масиҳнинг қони орқали сотиб олинди, Масиҳнинг Руҳи орқали амалга оширилди ва Масиҳга бўлган имон орқали ўзлаштирилди.

Масиҳнинг Янги Аҳд Воситачиси сифатида амал қилаётганини яққол ифода этадиган жой – Ибронийлар 13:20-21 оятлар:

Тинчлик берадиган Худо Раббимиз Исони ўлиқдан тирилтирди. Исо Ўз қони билан абадий аҳдни муҳрлагани учун, Худо Уни Ўз халқининг улуғ Чўпони қилиб тайинлади. Шу қадар буюқ ишларни қилган Худонинг хоҳиш-иродасини бажара олишингиз учун, У сизларга ҳар қандай эзгу фазилат ва иъном берсин. У Ўзининг манзур мурод-мақсадини Исо Масиҳ орқали сизларда бажо келтирсин. Исо Масиҳга абадулабад шон-шарафлар бўлсин! Омин!

“Худонинг хоҳиш-иродасини бажара олишингиз учун” сўзлари Янги Аҳдга кўра, Худо Ўз қонунларини юракларимизга ёзганида нима бўлишини тасвирлайди. “Исо Масиҳ орқали”, ибораси эса ушбу улуғвор иноятнинг шарафли ишларида Исонинг Воситачи эканини ифодалайди.

Шундай қилиб, Мавлуд байрамнинг маъноси – нафақат Худо сояларни Ҳақиқат билан алмаштиришини, балки бу Ҳақиқатни Ўз халқи учун чинга айлантиришини билдиради. У бу ҳақиқатни бизнинг юракларимизга ёзади. Лўнда қилиб айтганда, сиз ўз кучингиз билан олишингиз учун У Ўзининг Мавлуд ҳадясини арчанинг пастига қўймайди. Худо бу ҳадяни Ўзи кўтариб, уни

юрагингизга ва онгингизга ёзиб қўяди ҳамда сиз Худонинг фарзанди эканингизга ишонч ҳосил қилишингиз учун муҳрлаб қўяди.

“Исо: Яхшироқ Аҳднинг Воситачиси, 1 - Қисм” номли мақоласидан олинган

15 ДЕКАБРЬ

Мавлуддаги Ҳаёт ва Ўлим

Масихнинг Келиши | 15 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман. (Юҳанно 10:10)

Ушбу мақолани ёзиш арафасида турганимда, менга Марион Ньюстрем вафот этгани ҳақида хабар келди. Ўша вақтда жамоатимиз аъзолари орасида Марион ва унинг эри Элмер жамоатнинг энг узоқ йиллик аъзолари эдилар. Унинг ёши 87 да эди. Улар 64 йил биргаликда ҳаёт кечирди.

Мен Элмер билан гаплашиб, Раббимизга бўлган имонда мустаҳкам бўлишини ва таслим бўлмаслигини хоҳлашимни айтганимда, у менга шундай жавоб берди: “У ҳақиқий дўст эди.” Ҳар бир масиҳий инсон ҳаётининг сўнгги давларида “Масих ҳақиқий дўст эди”, дея олишлари учун дуо қиламан.

Ҳар Мавлуд байрамида онамнинг вафот этганини хотирлайман. У 56 ёшда Исроилда автобус ҳалокати тўғрисида вафот этган. Ўшанда 1974 йилнинг 16 декабрь куни эди. Ўша ҳодисалар ҳозирги кунда ҳам мен учун долзарблигини йўқотмаган. Агар ҳиссиётларга берилсам, масалан, фарзандларим уни билмаслигини ўйласам, осонликча кўзларимга ёш келади. Биз уни Мавлуд байрамнинг эртаси куни дафн қилганмиз. Ниҳоятда қимматли Мавлуд бўлганди!

Кўпчилигингиз келаётган Мавлуд байрамида аввалгиларига қараганда кўпроқ йўқотишларни ҳис қиласиз. Бундай ҳислар пайдо бўлишига тўсқинлик қилманг. Уларга йўл беринг. Уни ҳис қилинг. Ҳаётда ҳам, ўлимда ҳам mehrimizni кучайтирмасак, унда севгининг нима кераги бор? Аммо аччиқланманг. Аччиқланиш - ўз-ўзини барбод қилиш демакдир.

Биз абадий ҳаётга эга бўлишимиз учун Масих бу дунёга келган. “Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман” (Юҳанно 10:10). Марион ва Элмер ҳаётларининг сўнгги давларини қандай ўтказиш ҳақида келишиб олишганди. “Марион иккимиз бизнинг сўнгги маконимиз Раббимиз билан бирга бўлиши ҳақида келишиб олдик”, деганди Элмер.

Уйингизни соғиниб, безовта бўляпсизми? Менинг оилам таътилда уйга келишади. Бу яхши. Менимча, бунинг яхши эканининг асосий сабаби шундаки, улар ҳам, мен ҳам вақти келиб Абадий Уйимизга қайтиш ҳисси қандай бўлишини олдиндан ҳис қилиб кўраман. Аслида бу туйғу бизнинг табиатимизга азалдан киритилган. Бу ёқимли ҳисларнинг ҳаммаси Асосий Уйимизга қайтишдан олдинги кичик ёқимли ҳислар холос. Биз олдиндан ҳис қиладиган бу ҳислар ҳам ёқимли.

Фақат улар ҳақиқийларининг ўрнини эгаллаб олмаси бўлди. Бу мавсумнинг барча ширин нарсалари яқиний, энг яхши ва мукамал Лаззатнинг ўрнини эгаллаб олишига йўл қўйманг. Ҳар қандай йўқотишлар ҳам, ҳар қандай хурсандчиликлар ҳам қалбингизни самога йўналтирсин.

Мавлуд. “Мен уларга ҳаёт бериш учун келганман.” Бундан бошқа яна қандай сабаб бўлиши мумкин? Марион Ньюструм, Рут Пайпер, сиз билан мен, хуллас, барчамиз ҳозир ва то абад Ҳаётга эга бўлишимиз учун.

Келаётган Мавлуд байрамида *Абадият* булоғидан ичиш орқали *Ҳозирингизни* янада бойроқ ва чуқурроқ қилинг. Бунга жуда кам вақт қолди.

“Мавлуддаги Ҳаёт ва Ўлим” номли мақоласидан олинган

16 ДЕКАБРЬ

Худонинг Энг

Муваффақиятли Чекиниши

Масиҳнинг Келиши | 16 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Шунинг учун Худо Уни энг юқорига юксалтирди ва Унга ҳар қандай исмдан юқори исми ато этди. Токи Исонинг олдида еру осмондаги ва ер остидаги борлиқ жон тиз чўксин, ҳар бир тил Исо Масиҳни Раббий деб тан олиб, Отамиз Худога шараф келтирсин. (Филиппиликлар 2:9-11)

Мавлуд (Масиҳнинг туғилиши) Худонинг энг муваффақиятли чекинишининг бошланиши эди. У ҳар доим Ўз кучини яққол мағлубият орқали намоён қилишдан хурсанд бўларди. У стратегик ғалабага эришиш учун тактик чекинишлар қилади.

Эски Аҳд даврида Ёқубнинг ўн иккита ўғилларидан бири Юсуфга унинг шон-шўҳрат ва улуғликка эришиши тушида ваъда қилинганди (Ибтидо 37:5-11). Бироқ ана шу ғалабага эришиш учун у Мисрда қул бўлишига тўғри келди. Бу ҳам етмагандек, ҳалоллиги туфайли аҳволи сал яхшиланган пайтда, қулдан ҳам баттар аҳволга тушди, яъни уни зиндонга ташлашди. Лекин буларнинг бари режалаштирилган эди. Унга яхши бўлиши учун, оиласига яхши бўлиши учун, ҳатто бутун оламга яхши бўлиши учун Худо шундай режа қилганди! Юсуф зиндонда Фиръавннинг соқийси билан танишиб қолади. Кейинчалик соқий уни Фиръавннинг ҳузурига олиб боради, Фиръавн эса уни Миср устидан ҳоким этиб тайинлайди. Ниҳоят, унинг тушлари ўнгидан келади. Акалари унга таъзим қилишади, Юсуф эса уларни очарчиликдан қутқаради. Шон-шўҳратга элтувчи нақадар ёқимсиз йўл!

Бироқ бу Худонинг танлаган йўли, ҳатто Ўз Ўғли учун ҳам. У Ўз улуғворлигидан кечди ва қул қиёфасига кирди. Қулдан ҳам баттар аҳволга тушди, яъни ҳибсга олинди ва қатл қилинди. Аммо худди Юсуф каби, У ҳам солиҳлигини сақлади. “Шунинг учун Худо Уни энг юқорига юксалтирди ва Унга ҳар қандай исмдан юқори исми ато этди. Токи Исонинг олдида еру осмондаги ва ер остидаги борлиқ жон тиз чўксин” (Филиппиликлар 2:9-10).

Худо биз учун ҳам худди шу йўлни танлаган. Агар биз Римликлар 8:17 – оятда айтилганидек, У билан бирга азоб чексак, бизга ҳам улуғворлик ваъда қилинган. Юқорига олиб борадиган йўл пастдан бошланади. Олдинга олиб борадиган йўл орқадан бошланади. Муваффақиятга элтадиган йўл эса белгиланган илоҳий чекиниш орқали бўлади. Бу йўл ҳар доим худди омадсизликдек кўринади.

Аммо Юсуф ва Исо бу Мавлудда бизга нимадир ўргатадиган бўлса, у мана бу бўлади: Шайтон ҳамда гуноҳкор инсонлар ёмонлик қилмоқчи бўлишса, “Худо уни яхшиликка айлантиради!” (Ибтидо 50:20).

Сиз, ҳадиксираган азизлар, далда оласиз

Сизни чўчитган булутлар

буюк шафқат ва барака бўлиб,

бошингизга ёғади.

“Юсуф ва Исо: Худонинг Муваффақиятли Чекиниши” номли мақоласидан олинган

17 ДЕКАБРЬ

Фақат Орзу Қилиш Мумкин

Бўлган Буюк Нажот

Масихнинг Келиши | 17 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Эгамиз демоқда: “Шундай кунлар келадики, Мен Исроил ва Яҳудо халқлари билан янги аҳд тузаман.” (Еремиё 31:31)

Худо адолатли ва муқаддас бўлиб, биз гуноҳкорлар Ундан узоқдамиз. Мана шу нарса бизнинг Мавлуддаги ва йилнинг бошқа ҳамма вақтларидаги асосий муаммомиз. Қандай қилиб, биз адолатли ва муқаддас Худо билан ярашишимиз мумкин?

Шунга қарамай, Худо раҳмдил бўлиб, Еремиё 31 – бобда (Масих туғилишидан беш юз йил аввал) бир кун келиб, нимадир қилиши ҳақида ваъда берган. У Масихнинг соялари бўлган нарсаларни Ҳақиқийси билан алмаштиришни, Уни севиш, Унга ишониш ва Унга эргашиш учун биз четдан эмас, балки ич-ичимиздан бошқарилишимиз учун У ҳаётимизга қудрат билан кириб келишини ва Ўз иродасини қалбларимизга ёзишини айтган.

Биз баҳраманд бўлишимиз учун Худо борлиқдаги энг буюк Ҳақиқатни бизга таклиф қилса, кейин бу Ҳақиқатдан янада эркинроқ баҳраманд бўладиган ва янада кўпроқ ҳузур оладиган даражада Уни англаб етишимиз учун бизга тўртки берса, бу нажот фақат орзу қилиш мумкин бўлган буюк нажот бўлар эди. Ва бу нарса у ҳақда қўшиқ куйлашга арзигулик Мавлуд учун ҳадя бўлган бўларди.

Аслида, Янги Аҳдда Худо ваъда қилган нарса шу. Бироқ жуда катта тўсиқ бор эди. Бизнинг гуноҳимиз. Қонунсизликларимиз сабабли биз Худодан ажралиб қолганмиз.

Қандай қилиб муқаддас ва адолатли бўлган Худо биз катта хурсандчилик билан баҳраманд бўлишимиз учун борлиқдаги энг буюк Ҳақиқатни (Ўз Ўғлини) қурбон қиладиган даражада биздек гуноҳкорларга меҳрибонлик кўрсатиши мумкин?

Бунинг жавоби шуки, Худо бизнинг гуноҳларимизни Ўз Ўғлига юклади ва гуноҳларимизни унутиш ва бизга меҳрли муносабатда бўлиш учун уларни ҳукм қилиш билан бирга адолатлигича ва муқаддаслигича қолди. Ибронийлар 9:28 – оятда айтилишича, Масих “кўпларнинг гуноҳларини Ўз бўйнига олиш учун бир марта қурбон бўлиб, ўлди.”

Масих хочда қурбон бўлганида, бизнинг гуноҳларимизни Ўз бўйнига олган (1 Бутрус 2:24). Бизга аталган ҳукми У Ўзига олди (Римликлар 8:3). У айбларимизни бекор қилди (Римликлар 8:1). Бу эса бизнинг гуноҳларимиз кечирилганини билдиради (Ҳаворийлар 10:43). Бизни ҳукм қилиш учун

асос сифатида Худонинг эсида қолмайди. Яъни, Худо уларни “эсга олмайди” (Еремиё 31:34). Улар Масихнинг ўлими орқали йўқ бўлиб кетади.

Бу шуни англатадики, энди Худо Ўз адолати бўйича бизга Янги Аҳднинг тил билан ифода қилиб бўлмас ваъдаларини саҳоват ила бера олади. Биз баҳраманд бўлишимиз учун У бизга Масихни, борлиқнинг энг буюк Ҳақиқатини беради. Биз эркинлик ва шодлик билан Масихни севишимиз, Унга ишонишимиз ва ич-ичимиздан Унга эргашишимиз учун Худо бизнинг қалбимизга Ўз хоҳиш-иродасини ёзиб қўяди.

“Исо: Яхшироқ Аҳднинг Воситачиси, 2 - Қисм” номли мақоласидан олинган

18 ДЕКАБРЬ

Элчилик Хизматлари учун Мавлуд Намунаси Масиҳнинг Келиши | 18 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Сен Мени дунёга юборганигдай, Мен ҳам уларни дунёга юбордим. (Юҳанно 17:18)

Мавлуд – элчилик хизматлари учун намунадир. Хизматлар (Миссиялар) – Мавлуднинг кўзгуси. Мен каби, сиз ҳам.

Мисол учун, хавф-хатарни олайлик. Масиҳ ўзиникиларни олдига келди, лекин улар Масиҳни қабул қилишмади. Сизни ҳам қабул қилишмайди. Улар Масиҳга қарши фитна қилишди. Сизга ҳам шундай қилишади. Масиҳнинг доимий яшаш жойи йўқ эди. Сизнинг ҳам бу дунёда муқим яшамайсиз. Улар Масиҳни ноҳақ айблашди. Сизни ҳам айблашади. Улар Масиҳни қамчилаб, масҳара қилишди. Сизни ҳам шундай қилишади. У уч йил хизмат қилганидан кейин қурбон бўлди. Сиз билан ҳам шундай бўлиши мумкин.

Лекин бу хатарлардан ҳам хавфлироқ хатарлар мавжуд, Исо бунга *йўл қўймади*. Сиз ҳам бу хатарни четлаб ўта оласиз!! 16–асрнинг ўрталарида миссионер Франсис Хавиер (1506–1552) Малакалик (ҳозирги Малайзиянинг бир қисми) Перез Отага Хитойдаги миссияси дуч келган хавф-хатарлар ҳақида ёзган. У шундай деган:

“Барча хавф-хатарлар ичида энг даҳшатлиси – Худонинг раҳм-шафқатига нисбатан ишончни йўқотишдир... Худого ишонмаслик – Худонинг барча душманлари бизга зарар бериш учун қилган ҳар қандай жисмоний ёвузликларидан ҳам даҳшатлироқдир, чунки Худонинг руҳсатисиз иблислар ҳам, уларнинг инсоний хизматчилари ҳам бизга заррача зиён етказа олмаган бўлардилар.”

Миссионерлар дуч келадиган энг катта хавф – ўлим эмас, балки Худонинг меҳр-шафқатига ишонмасликдир. Агар бу хатар бартараф қилинса, бошқа ҳар қандай хатарлар ўз кучини йўқотади.

Охир-оқибат, Худо ҳар битта ҳанжарни қўлимиздаги таёққа айлантиради. Ж. У. Александр айтганидек: “Ҳозирги меҳнатнинг ҳар бир лаҳзаси миллион асрлик шон-шўҳрат билан тақдирланади.”

Масиҳ бундай хатардан – Худого ишонмаслик хавфидан ҳоли эди. Шунинг учун Худо Уни ниҳоятда юксалтирди! Уни юксалтирганидек, сизни ҳам юксалтиради. У каби сизни ҳам.

Мавлуд - миссиялар учун намуна бўлганини ёдда тутинг. *Мен каби, сиз ҳам*. Бу миссия хатарни билдиради. Энг катта хатар эса, – Худонинг меҳр-шафқатига ишонмаслик. Бунга йўл қўйсангиз,

ҳаммаси тамом. Шу ерда ғалабага эришинг, шунда миллион асрлар давомида сизга ҳеч нарса зарар етказа олмайди.

“Хатарли Миссия” номли мақоласидан олинган

19 ДЕКАБРЬ

Мавлуд - Озодлик Учун

Масихнинг Келиши | 19 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Бу фарзандлар фоний бандалар бўлганлари учун, Исо ҳам, улар сингари, инсон бўлди. Зеро, У Ўз ўлими орқалигина ўлим келтирувчи иблиснинг қудратини йўқ қила олди ва умр бўйи ўлим қўрқувига қул бўлган одамзодни озод қилишга муваффақ бўлди. (Ибронийлар 2:14-15)

Исо инсон бўлди, чунки оддий инсондан аълороқ инсоннинг ўлими керак эди. Инсон қиёфасига кириш – Худонинг Ўз-Ўзини ўлим жазосига ҳукм қилиши эди.

Масих ўлимга таваккал қилмади. У айнан ўлимни танлади. У ўлимни қабул қилди. У ер юзига айнан шу мақсадда келган, яъни “Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи бошқаларга хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни озод қилиш учун келган” (Марк 10:45).

Шайтон саҳрода (Матто 4:1-11) ва Бутрус орқали (Матто 16:21-23) Исони хочда қурбон бўлишдан қайтаришга уринганини ҳайрон қоладиган жойи йўқ! Хоч шайтоннинг барбод бўлиши эди. Исо уни қандай барбод қилди?

Ибронийлар 2:14 – оятда айтилишича, шайтон “ўлим келтирувчи қудратга” эга. Яъни, шайтон одамларни ўлим қўрқувига сола олади. “Ўлим келтирувчи қудрат” шундай қудратки, у ўлим қўрқуви орқали инсонларни қулликда ушлаб туради. Ўлим даҳшатли нарсага айланиши учун у одамларни гуноҳ ичида тутиб турадиган қудрат ҳисобланади.

Лекин Исо шайтонни бу қудратдан маҳрум қилди. Исо уни қуролсизлантирди. Биз шайтоннинг ҳукмига қарши тура олишимиз учун У бизни солиҳлик совути билан таъминлади. У буни қандай қилди?

Ўз ўлими орқали Исо барча гуноҳларимизни ювди. Бегуноҳ инсонни шайтон ҳукм қила олмайди. Кечирилиш орқали биз ниҳоят озод бўлдик. Шайтоннинг режаси Худонинг ҳукм кунда Худого эргашганларни ҳукм қилиш орқали Худонинг бошқарувини йўқ қилиш эди. Лекин Масих тўфайли энди маҳкумлиқ йўқ. Шайтоннинг ҳиёнати барбод бўлди. Унинг улкан ҳиёнатига чек қўйилди. “У бизга ғазабини сочиши мумкин, чунки унинг тақдири ҳал бўлган.” Хоч тўфайли у жароҳатланди. Тез орада у бартараф қилинади.

Мавлуд – озодлик учун. Ўлим қўрқувидан озод бўлишдир.

Бизнинг ўрнимизга Қуддусда ўлиш учун, ҳозирда ўз шаҳримизда қўрқувсиз яшашимиз учун Исо Байтлаҳмда бизнинг табиатимизни олди. Ҳа, қўрқув нималигини билмай яшашимиз учун. Чунки агар хурсандчилигимга тўсқинлик қиладиган энг катта тўсиқ олиб ташланган бўлса, нима учун мен арзимас тўсиқлардан чўчишим керак? Қандай қилиб (ростдан ҳам!): “Мен ўлимдан қўрқмайман, лекин ишимни йўқотишдан қўрқаман”, деб айтишингиз мумкин? Йўқ. Йўқ. Яхшилаб ўйлаб кўринг!

Агар ўлим (ўлим, деб айтяпман – юрак урмайди, тана совийди, нафас тўхтайди), агар ўлим энди бизни қўрқувга солмаса, демак биз чиндан ҳам озод бўлганмиз. Масиҳ учун, севги учун ҳар қандай хатарга тайёрмиз. Энди ташвишга қул эмасмиз.

Агар Ўғил сизни озод қилган бўлса, сиз чиндан ҳам озод бўлишингиз лозим!

“Масиҳнинг Туғилиши ва Гўлгота Туфайли Озод Қилинган” номли мақоласидан олинган

20 ДЕКАБРЬ

Мавлуд Бирдамлиги

Масиҳнинг Келиши | 20 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун келди. (1 Юҳанно 3:8)

Шайтоннинг корхонаси ҳар куни миллионлаб гуноҳларни тўплайди. У эса бу гуноҳларни юк ташувчи улкан самолётга ортиб, самога учади ва уларни Худонинг олдига ташлаб, кулади.

Баъзи одамлар бу корхонада доимий ишлашади. Айримлар эса бу корхонадан ишдан кетишган ва гоҳ- гоҳида қайтиб туришади.

Корхонадаги ишларнинг ҳар дақиқаси Худони шайтон учун масҳарага айлантиради. Гуноҳ – шайтоннинг иши, чунки у Худонинг нури, гўзаллиги, поклиги ва улўворлигидан нафратланади. Ҳеч нарса уни яратилган мавжудотнинг ўз Яратувчисига ишонмаслиги ҳамда Унга итоат қилмаслигидек хурсанд қила олмайди.

Шундай қилиб, Мавлуд – инсонлар учун ҳам, Худо учун ҳам яхши хабар.

“Исо Масиҳ гуноҳкорларни қутқариш учун дунёга келди” деган гап тўғри ва асослидир, ҳар жиҳатдан қабул қилинишга лойиқдир” (1 Тимўтий 1:15). Бу биз учун хушxabардир. “Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун келди” (1 Юҳанно 3:8). Бу ҳам Худо учун яхши хабар.

Мавлуд – Худо учун яхши хабар, чунки Исо шайтоннинг корхонасига қарши курашга бошчилик қилиш учун келди. У корхонага тўғри кириб бориб, садоқатлиларни Бирдамликка чақирди ва катта жангни бошлади.

Мавлуд – гуноҳларни йиғиш корхонасида қўзғолон қилишга даъватдир. Раҳбарият билан ҳеч қандай келишув бўлмайди. Олди-берди қилинмайди. Шунчаки, бир мақсад билан маҳсулотга нисбатан қатъий қаршилиқ қилинади. Биз энди гуноҳларни тўплашда қатнашмаймиз.

Мавлуд Бирдамлигининг мақсади юк ташувчи самолётни яқсон қилишдир. У куч ишлатмайди ёки зўравонлик қилмайди, шунчаки Ҳақиқатга бўлган қатъий садоқат билан иблиснинг инсон ҳаётини барбод қилувчи конвейрини йўқ қилишга йўл очади.

Шайтоннинг конвейри тўлиқ ёпилмагунча Мавлуд Бирдамлиги ҳаракатдан тўхтамайди.

Гуноҳ бартараф қилинганида, Худонинг номи тўлиқ оқланади. Ўшанда ҳеч ким кулмайди.

Агар келаётган Мавлуд байрамида Худога инъом бермоқчи бўлсангиз, шайтоннинг гуноҳларни йиғувчи конвейрида ишлашни ташланг ва ҳеч қачон у ерга қайтманг. Меҳр-муҳаббат намоишларида ўз ўрнингизни топинг. Худонинг улўвор номи оқланмагунча ва У солиҳлар орасида Ўз улўворлиги билан турмагунча Мавлуд Бирдамлигига қўшилинг.

“Мавлуд Бирдамлиги” номли мақоласидан олинган

21 ДЕКАБРЬ

Азалий Нуроний Туғилиши

Масиҳнинг Келиши | 21 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

– Демак, Сен Шоҳ экансан-да?! – деди Пилат. – Шоҳ эканимни ўзингиз айтдингиз, – деди Исо. – Мен ҳақиқат тўғрисида шоҳидлик қилмоқ учун туғилганман, ана шу мақсадда оламга келдим. Ҳақиқат тарафида бўлган ҳар бир одам Менга қулоқ солади. (Юҳанно 18:37)

Бу сўзлар Исонинг ер юзидаги ҳаётининг бошида эмас, балки охирида пайдо бўлган бўлса ҳам у улуғ Мавлуд ҳақидаги ажойиб матн ҳисобланади.

Эътибор беринг: Исо нафақат туғилганини, балки “оламга келганини” айтмоқда. Унинг туғилишининг ўзига хос томони шундаки, У туғилиш орқали пайдо бўлмади. У оғилхонада туғилишидан аввал ҳам мавжуд эди. Носиралик Исонинг шахсияти, табиати Исо Носирада инсон бўлиб туғилишидан олдин ҳам мавжуд эди.

Бу сирни таърифлаш учун мос теологик сўз – *яратилган мавжудод* эмас, балки *инсон қиёфасига киришдир*. Исонинг танаси эмас, балки шахси, яъни муҳим шахсияти У инсон бўлиб туғилмасидан аввал ҳам мавжуд эди. Исонинг туғилиши янги инсоннинг йўқдан бор бўлиши эмас, балки азалдан бор бўлган инсоннинг бу оламга келиши эди.

Исо туғилишидан 700 йил олдин, Михо 5:2 бунни қуйидагича таърифлайди:

“Эй Эфратдаги Байтлахм, сен Яҳудонинг митти шаҳри бўлсанг ҳам, Исроилни Мен учун бошқарадиган зот сендан чиқади. Унинг насаби қадимларга бориб тақалади.”

Исонинг туғилиш сири фақат Унинг бокира қиздан туғилганидан иборат эмас. Бу мўъжиза янада каттароқ мўъжизага гувоҳлик бериш учун, аниқроқ айтадиган бўлсак, Мавлуд кун туғилган Бола – “насаби қадимларга бориб тақаладиган” шахс эканига гувоҳлик бериш учун Худо томонидан олдиндан белгилаб қўйилган эди.

Шундай қилиб, Унинг туғилиши аниқ бир мақсадга мувофиқ бўлган. У туғилишдан аввал туғилиш ҳақида ўйлаган. Бу режани Отаси билан бирга тузган. Бу буюк режанинг бир қисмини У ер юзидаги ҳаётнинг сўнги дамларида тилган олди: “Мен ҳақиқат тўғрисида шоҳидлик қилмоқ учун туғилганман, ана шу мақсадда оламга келдим. Ҳақиқат тарафида бўлган ҳар бир одам Менга қулоқ солади” (Юҳанно 18:37).

У абадий Ҳақиқат эди. У фақат ҳақиқатни гапирган. У муҳаббатнинг энг буюк ҳақиқатига хос ҳаракат қилган. Ҳақиқатдан туғилганларнинг барчасини У ўзининг абадий оила учун йиғмоқда. Бу режа азалданок тузилган эди.

“Мавлуд ва Ҳақиқат Сабабчиси” номли мақоласидан олинган

22 ДЕКАБРЬ

Сиз Ишонишингиз Учун

Масиҳнинг Келиши | 22 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Исонинг бу китоб таркибига киритилмаган яна кўп мўъжизали аломатларига шогирдлар гувоҳ бўлганлар. Китобга киритилган мўъжизалар эса сизлар учун ёзилган. Токи сизлар Исонинг Масиҳ, Худонинг Ўғли эканлигига ишониб, бу имонингиз тўғрисида ҳаётга эга бўлинглар. (Юҳанно 20:30-31)

Жамоатда улғайган ва уйқусида ҳам имонимизнинг буюк таълимотини айтиб бера оладиган, шу билан бирга, Ҳаворийлар ишонч белгисини айтаётганда эснайдиган биз каби одамлар орасида азалда Отадан туғилган, Худонинг барча улўғворликларини акс эттирадиган, Унинг шахсиятини ифода этадиган Худо Ўғлига нисбатан ҳайратни, Унга бўлган эҳтиромни, қўрқувни ва ҳайратни яна бир марта ҳис қилишимиз учун орамизда нимадир қилиниши лозимлигини яққол ҳис қиламан. Худо борлиқдаги ҳамма нарсаларни У орқали яратган ва Ўз Каломининг кучи билан борлиқни сақлаб турибди.

Сиз бу оламда мавжуд бўлган ҳар қандай эртақларни, детектив асарларни, шарпалар ҳақидаги ҳикояларни ўқишингиз мумкин, бироқ уларнинг ҳеч биридан Худо Ўғлининг инсон қиёфасига киришидек ҳайратланарли, ақл бовар қилмас нарсаларни топа олмайсиз.

Биз нақадар ўликмиз! Сенинг шон-шўҳратингга, Сен ҳақингдаги ҳикояларга қанчалик бепарвомиз, эй Худойим! Мен неча марталаб тавба қилишим ва “Худойим, инсон ўйлаб топган ҳикоялар Сен ҳақингдаги ҳақиқий ҳикояларга қараганда кўпроқ мени ҳайратга солгани, ажаблантиргани, туйғуларимни жунбушга келтиргани ва менда қувонч уйғотганидан афсусдаман”, дейишим керак эди.

Эҳтимол, коинот ҳақидаги замонавий фильмлар бизга оз бўлса ҳам фойдали бўлиши мумкин: биз боқий Худо ҳақида, Масиҳнинг буюк улўғворлиги ҳақида, Носиралик Исо орқали Улар билан бизнинг орамиздаги ҳақиқий жонли алоқа ҳақида ўйлаганимизда, айрим мўъжизаларга, ҳайратланишга ва ажабланишга қодир эканимизни кўрсатиш орқали улар бизни камтар бўлишга ва тавба қилишга ундаши мумкин.

Исо “Мен ана шу мақсадда оламга келдим” (Юҳанно 18:37) деганида, ақлга сиғмайдиган, ғалати ва сирли гапни айтган. Бундай сўзларни илмий фантастикага оид ҳеч бир китобдан топа олмайсиз.

Худонинг Руҳи сизни ҳам мени ҳам тўлдириши учун, Муқаддас Руҳ шиддат билан ҳаётимга кириб, Худонинг тасаввурга сиғмайдиган ҳақиқати томон мойиллик уйғотиши учун илтижо қиламан.

Кун келиб, кун чиқардан кун ботарга қадар осмонни момоқалди роқ қоплайди ва булутлар узра Инсон Ўғли қудратли фаришталари билан бирга аланга ичида зоҳир бўлади. Биз Уни яққол

кўрамыз. Қачонлардир даҳшатдан ёки кучли ҳаяжондан қандай қилиб узоқ йиллар давомида беэён, меҳрибон Масиҳ билан яшаганимизни ўйлаб зир титраймиз.

Бу нарсалар, аниқроғи, бутун бошли Калом биз ишонишимиз, Исо Масиҳ Худонинг ер юзига келган Ўғли эканидан ҳайратга тушишимиз учун ёзилган.

“Мавлуд ва Ҳақиқат Сабабчиси” номли мақоласидан олинган

23 ДЕКАБРЬ

Худонинг Таърифлаб Бўлмас Инъоми

Масиҳнинг Келиши | 23 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Биз ҳали Худонинг душманлари бўлган пайтимизда, Худо Ўз Ўғлининг ўлими орқали бизларни Ўзи билан яраштирди. Биз энди Худо билан ярашган эканмиз, албатта Ўғлининг ҳаёти туфайли нажот топамиз. Бундан ташқари, биз Раббимиз Исо Масиҳ туфайли Худо билан бўлган муносабатимиздан фахрланамиз. Ахир, Исо Масиҳ орқали биз Худо билан ярашганмиз-ку! (Римликлар 5:10-11)

Биз қандай қилиб Худо билан ярашишимиз ва У билан қувонишимиз мумкин? Бунга Исо Масиҳ орқали эришамиз. Бу эса энг камида Муқаддас Каломдан Исонинг тасвирини яшашимизни англатади, яъни Исонинг Янги Аҳдда ифодаланган ишлари ҳамда сўзлари бўйича Худодаги шодлигимизнинг асосини ташкил этадиган тасвирни яшашимизни англатади. Масиҳсиз Худодан шодланиш Масиҳни улуғламайди. Масиҳ улуғланмаган жойда Худо улуғланмайди.

Павлус 2 Коринфликлар 4:4-6 – оятларда ўзгаришни икки йўл билан тасвирлаган. 4 – оятда “Худонинг аниқ тасвири бўлган Масиҳнинг улуғворлигини” кўрсатгани ҳақида айтган бўлса, 6 – оятда “Исо Масиҳ сиймосида порлаб турган Ўз улуғворлигини” кўрсатгани ҳақида гапирган. Иккала ҳолатда ҳам унинг нима демоқчи эканини тушунасиз. Бизда Худонинг аниқ тасвири бўлган Масиҳ бор ҳамда Масиҳнинг сиймосида порлаб турган Худо бор. Худодан хурсанд бўлиш учун биз Исо Масиҳнинг тасвирида Худо ҳақида кўрган ва билган нарсаларимиздан қувонамиз. Бу эса, Римликлар 5:5 – оятда айтилганидек, Муқаддас Рух орқали юракларимиз Худонинг севгисига тўлиб-тошганида тўлиқ ўз ифодасини топади. 6 – оятда ёзилган тарихий ҳақиқатдан иборат сўзлар ҳақида, яъни “Биз чорасиз бўлганимизда, белгиланган вақтда Масиҳ биз – бетавфиқлар учун ўлди”, деган оят ҳақида мулоҳаза қилганимизда, Муқаддас Рух томонидан бизга берилган бу ширин туйғу бизга воситачилик қилади.

Хуллас, Мавлуднинг моҳияти шундай. Худо бизни Раббимиз Исо Масиҳнинг ўлими орқали нафақат Ўзи билан яраштирди (Римликлар 5:10) ёки бизга Раббимиз Исо Масиҳ орқали бу ярашувни қабул қилиш имконини берди, балки ҳозир ҳам Рух орқали, Раббимиз Исо Масиҳ орқали биз Ундан қувона оламиз (Римликлар 5:11).

Исо бизни Худо билан яраштирди. Бу яраштирув туҳфасини олишга ва уни очишга Унинг Ўзи бизни лойиқ қилди. Исонинг Ўзи таърифта сиғмайдиган инъом сифатида, инсон қиёфасидаги Худо сифатида нур сочади ва Худого нисбатан қувонч уйғотади.

Бу Мавлудда Исога диққат қилинг. У эришган яраштирувни қабул қилинг. Бу инъомни ёпиқ ҳолича токчага қўйманг. Уни очганингизда, Худо билан ярашиш инъоми - Худонинг Ўзи эканини эсга олинг.

Унда хурсанд бўлинг. Уни роҳатингиз сифатида ҳис қилинг. Уни хазинангиз сифатида билиб олинг.

“Раббимиз Исо Масиҳ орқали Худодан Шодланамиз” номли мақоласидан олинган

Мавлуд учун Икки Мақсад

Масиҳнинг Келиши | 24 - кун

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Азиз болаларим, ҳеч ким сизларни алдамасин. Адолатли иш қилувчи ҳар қандай одам худди Масиҳ сингари одилдир. Гуноҳ қилувчи эса иблис зотидандир. Чунки иблис азалдан гуноҳ қилиб келяпти. Аммо Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун келди. (1 Юҳанно 3:7-8)

1 Юҳанно 3:8 – оятда “Аммо Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун келди”, деганда иблиснинг қайси ишларини назарда тутган? Бунинг жавоби парчанинг ўзида берилган.

Биринчидан, 1 Юҳанно 3:5 – оятда “Масиҳ эса гуноҳларимизни ювиш учун келганини биласизлар”, деб ёзилган. *Келди* сўзи 5 – оятда ҳам 8 – оятда ҳам учрайди. Хуллас, Исо барбод қилиш мақсадида келган “иблиснинг ишлари” гуноҳлардир. 8 – оятнинг биринчи қисми бу баҳсга чек қўяди: “*Гуноҳ қилувчи эса иблис зотидандир. Чунки иблис азалдан гуноҳ қилиб келяпти.*”

Бу парчадаги асосий муаммо касалликлар, бузилган машиналар ёки бетартиб жадваллар эмас, балки *гуноҳ қилишдир*. Бизга гуноҳ қилишни тўхтатиш имконини бериш учун Исо бу оламга келган.

Агар бу ҳақиқатни 1 Юҳанно 2:1 даги ҳақиқат билан ёнма-ён қўйсақ, янада аниқроқ тушуниб етамиз: “Азиз болаларим, *гуноҳ қилманглар деб*, мен сизларга шуларни ёзаяпман.” Мана шу нарса Мавлуднинг улуғ мақсадларидан бири, яъни Худонинг инсон қиёфасига киришидаги буюк мақсадиларидан биридир (1 Юҳанно 3:8).

Бироқ яна бир мақсад бор бўлиб, Юҳанно бу мақсадни 1 Юҳанно 2:1-2 оятларда келтирган: “Борди-ю, бирортамиз гуноҳ қилиб қўйсақ, Отамиз Худонинг олдида ҳомийимиз – Исо Масиҳ бор, У Солиҳ Зотдир. У бизни гуноҳларимиздан поклаш учун қурбон бўлди. Нафақат бизнинг, балки бутун дунёнинг гуноҳлари учун қурбон бўлди.”

Энди, бу нимани англатишига қаранг: Бунинг маъноси шуки, Исо икки сабабга кўра бу дунёга келган. Биз гуноҳ қилиб яшашда давом этмаслигимиз учун келган, яъни иблиснинг ишларини барбод қилиш учун келган (1 Юҳанно 3:8); ҳамда мабодо биз гуноҳ қилиб қўйсақ, гуноҳларимиздан поклаш учун келган. Гуноҳларимиз тўғрисида келадиган Худонинг ғазабини қайтарувчи қурбонлик бўлиш учун келган.

Ушбу иккинчи мақсаднинг натижаси биринчи мақсадни йўқ қилиш эмас. Кечирим бериш – гуноҳ қилишда давом этишга руҳсат бериш эмас. Масиҳнинг бизнинг гуноҳларимиз учун ўлишидан мақсад гуноҳга қарши курашишимизни сусайтириш эмас. Аксинча, Мавлуднинг бу икки мақсади натижаси барча гуноҳларимиз учун бир марта тўланган тўлов гуноҳга қарши курашишимизга имкон берадиган озодлик ва куч бўлиб, бу озодлик ва куч асосида нажотга ўз кучи билан эришишга ҳаракат қиладиган қонунчилар ёки топган нажотидан айрилиб қолишдан қўрқадиган

одамлар каби эмас, балки ишонч ва қувонч билан, ҳатто жонини хатарга қўйиб бўлса ҳам гуноҳга қарши курашга киришадиган ғолиб инсонлардек курашамиз.

“Худонинг Ўғли Иблиснинг Ишларини Барбод Қилиш учун Келди” номли мақоласидан олинган

25 ДЕКАБРЬ

Мавлуднинг Уч Ҳадяси

Мавлуд куни

Жон Пайпер томонидан ёзилган

Азиз болаларим, ҳеч ким сизларни алдамасин. Адолатли иш қилувчи ҳар қандай одам худди Масих сингари одилдир. Гуноҳ қилувчи эса иблис зотидандир. Чунки иблис азалдан гуноҳ қилиб келяпти. Аммо Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун келди... Азиз болаларим, гуноҳ қилманглар деб, мен сизларга шуларни ёзаяман. Борди-ю, бирортани гуноҳ қилиб қўйсанг, Отанинг Худонинг олдида ҳомийимиз – Исо Масих бор, У Солиҳ Зотдир. У бизни гуноҳларимиздан поклаш учун қурбон бўлди. Нафақат бизнинг, балки бутун дунёнинг гуноҳлари учун қурбон бўлди. (1 Юҳанно 3:7-8; 2:1-2)

Бу ажойиб ҳолат ҳақида мен билан бирга мулоҳаза қилинг. Агар Худонинг Ўғли гуноҳ қилишни тўхтатишингизга ёрдам бериш учун – иблиснинг ишларини барбод қилиш учун келган бўлса ҳамда гуноҳ қилиб қўйганингизда сизни поклаш ва Худонинг ғазабини қайтариш учун Ўзини қурбон қилиш мақсадида келган бўлса, бу нарса ҳаёт кечирингиз учун сизда нималар борлигини билдиради?

Учта нарса борлигини билдиради. Уларга эга бўлиш жуда яхши. Бу нарсаларни Мавлуд тўхфаси сифатида сизга бераман.

1 - Тўхфа. Яшаш учун аниқ мақсад.

Бу нарса яшаш учун аниқ мақсад борлигини билдиради. Ёқимсиз томони шунчаки: гуноҳ қилманг – Худони таҳқирлайдиган нарсаларни қилманг. “Гуноҳ қилманглар деб, мен сизларга шуларни ёзаяман” (1 Юҳанно 2:1). “Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун келди” (1 Юҳанно 3:8).

Агар сиз мендан: “Ёқимсиз томонларидан ташқари, ижобий жиҳатларини ҳам айта оласизми?”, деб сўрасангиз, “Ҳа” деб жавоб бераман. Бунинг бари 1 Юҳанно 3:23 – оятда берилган. Бу оят Юҳаннонинг бутун бошли мактубига хулоса ясайди. Ягона “амр”га эътибор беринг – “Худонинг амри эса Унинг Ўғли Исо Масихга ишонишдан ва Масих буюрганидек, бир-биримизни севишдан иборат.” Бу икки нарса бир-бирига шунчалик боғлиқки, Юҳанно уларни битта амр деб атаган: Исога ишонинг ва бошқаларни севинг. Сизнинг мақсадингиз мана шу. Масихийча ҳаётнинг моҳияти шу. Исога ишониш, Исо ва Унинг ҳаворийлари ўргатганидек бошқаларни севиш. Биринчи тўхфа мана шу: яшаш учун мақсад.

2 - Тўхфа. Қилган хатоларимиз кечирилишига бўлган умид.

Масих гуноҳ ишларимизга чек қўйиш ва гуноҳларимизни кечирингиз учун келгани ҳақидаги икки ҳақиқатнинг иккинчиси қуйидагича: қилган хатоларимиз кечирилишига умидимиз бўлганида,

гуноҳларимизни енгишда ривожланиб борамиз. Худо хатоларингизни кечиришига умидингиз бўлмаса, гуноҳга қарши курашни бошлаганингизда, албатта таслим бўласиз.

Кўпчилигингиз бу янги йилда айрим ўзгаришларни амалга ошириш ҳақида ўйлаяпсиз, чунки гуноҳ ишларга берилиб кетгансиз ва бундан қутулишни истайсиз. Овқатланиш борасида янги ўзгаришлар қилишни хоҳлайсиз. Кўнгил очишни янги усулларини хоҳлайсиз. Беришнинг янги усулларини, турмуш ўртоғингиз билан янги муносабатни, оилавий бағишланишнинг янги усулларини, ухлаш ва машқ қилишнинг янги усулларини, шоҳидлик қилишда янги ғайратни хоҳлайсиз. Бироқ бу усуллар фойда берармикин, деган хаёл сизни қийнайди. Шундай қилиб, Мавлуд байрами учун сизга аталган иккинчи тўхфа шундай: Масиҳ нафақат иблиснинг ишларини барбод қилиш – сизни гуноҳ ишлардан қайтариш учун, балки курашлардаги омадсизликларга дуч келишимиз тўхфа бизга Ҳомий бўлиш учун ҳам келган.

Хуллас, сиздан илтимосим шуки, гуноҳга қарши курашдаги омадсизлик сизга нисбатан ҳал қилувчи сўзга эга эмаслиги ҳақиқати сизга гуноҳга қарши курашишингиз учун умид берсин. Эҳтиёт бўлинг! Агар сиз Худонинг иноятини гуноҳ қилишга рухсатнома деб қабул қилсангиз ва “агар хато қилсам ва бунинг аҳамияти бўлмаса, гуноҳга қарши курашишни нима кераги бор?”, деб ўйласангиз ҳамда гуноҳ қилишда давом этсангиз, демак сиз қайтадан туғилмагансиз. Бу нарса сизни ташвишга солиши керак.

Лекин кўпчилигингиз бундай эмассизлар. Кўпчилигингиз ҳаётингиздаги гуноҳли одатларга қарши курашишни хоҳлайсиз. Худо сизларга шундай демоқда: Масиҳ томонидан гуноҳларингизнинг кечирилиши сизларга умид бахш этсин. “Гуноҳ қилманглар деб, мен сизларга шуларни ёзяман. Борди-ю, гуноҳ қилиб қўйсангиз, ҳомийингиз Исо Масиҳ бор.”

3 – Тўхфа. Масиҳ бизга мадад беради.

Ва ниҳоят, Масиҳ гуноҳ ишларимизга чек қўйиш ва гуноҳларимизни кечириш учун келгани ҳақидаги икки ҳақиқатнинг учинчиси шундай: Гуноҳга қарши курашда Масиҳ бизга ростдан *ёрдам* беради. У албатта сизга мадад беради. У сиз томонда. У гуноҳ қизиқ бўлгани учун эмас, гуноҳ ўлимга сабаб бўлгани учун уни барбод қилгани келган. Гуноҳ – иблиснинг алдовлари бўлиб, агар унга қарши курашмасак, бизни ҳалок қилади. Масиҳ эса бизга ёрдам бергани келган, бизни қийнагани эмас.

Шундай қилиб, Мавлуд байрами учун сизга бериладиган учинчи тўхфа шу: Масиҳ сиздаги гуноҳларни енгишингизда сизга ёрдам беради. 1 Юҳанно 4:4 – оятда шундай ёзилган: “Ичингиздаги Рух дунёдаги шайтондан устундир.” Исо тирик, У барҳаёт, имон орқали Исо ичимизда яшайди. У биз томонда, бизга қарши эмас. Янги йилда гуноҳга қарши курашишда У сизга мадад беради. Унга ишонинг.

“Худонинг Ўғли Иблиснинг Ишларини Барбод Қилиш учун Келди” номли мақоласидан олинган